



VAZIYAT

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри



Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

e-mail: vaziyat@inbox.uz

2019 йил 24 январь № 4 (688)

УЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИККА АСОСЛАНГАН ХАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИ

Аввал хабар килинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан 2019 йил 20 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 21 январь куни Берлин шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ҳамда Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокаралар ўтказди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Мюнхен шаҳрида Бавария федерал ўлкаси Бош вазири Маркус Зёдер билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига дастхат қўйди.

Германиянинг жануби-шарқида жойлашган Баварияда 12,9 миллион аҳоли яшайди. Ушбу ўлка мамлакатнинг майдони бўйича энг йирик ва аҳоли сони бўйича иккинчи субъектидир.

Бавария Германиянинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ҳудудларидан бири бўлиб, унинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 600 миллиард еврога яқин. Бу Европа Иттифоқига аъзо аксарият давлатлар ЯИМидан кўп. Германияда ишлаб чиқарилаётган авиа ва аэрокосмик техниканинг қарийб ярми, тўқимачилик маҳсулотларининг 43, электроника товарларининг 27, машинасозлик соҳасининг 18, металлургия маҳсулотларининг 12 фоизи ушбу федерал ўлка хиссасига тўғри келади.

Учрашув аввалида Ўзбекистон Президенти Маркус Зёдерни Германия Христиан-социал ит-

тифоки партияси раиси этиб сайлангани билан табриклаб, унинг ушбу мартабадаги фаолияти икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўмаклашишига ишонч билдирди.

Икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболларига оид масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Президентимиз Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокаралар давомида ўзаро англашувга эришилгани ва ҳамкорлик лойиҳалари қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Бавария Бош вазири Маркус Зёдер Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мюнхенга ташрифидан мамнун эканини билдириб, Германия билан Ўзбекистон ўртасида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилиши, савдо-иқтисодий соҳадаги самарали ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири бўлишини кайд этди.

Мамлакатимизнинг Бавария билан муносабатлари узок тарихга эга. Тарихчи И.Шильбергернинг Амир Темур ҳузурда бўлгани тўғрисидаги ёзма хотиралари халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар тилга олинган илк ҳужжатли манбалардан биридир.

Томонлар савдо-иқтисодий ва инвестиция-

вий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига илгор немис технологияларини янада кенг жорий этишдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

Маданий-гуманитар алоқалар, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда Германия компаниялари билан Ўзбекистонда юқори технологияли корхоналар очиш, транспорт-логистика ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, савдо-сотик ва қўшма лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш истикболлари муҳокама қилинди.

Бавария Бош вазири Президент Шавкат Мирзиёевга Германия ишбилармон доираларининг Ўзбекистондаги лойиҳалари ва таклифларига кўрсатилаётган хар томонлама қўмақ учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли бизнес шерикликдан гоят манфаатдор эканини кайд этди.

Давлатимиз раҳбари Бавария Бош вазирига "Ўзбекистоннинг маданий мероси Германия коллекцияларида" китоб-альбомини совга килди.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус муҳбири



СОДИК ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

Полковник Махамадзиев Топил Равшанович 1976 йил Тошкент вилояти Паркент туманида туғилган. 1993-1997 йилларда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини муваффақиятли тугатиб, хизмат фаолиятини 1997 йилдан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги алоқа тармоғи взвод командири сифатида бошлади. 1998-2003 йилларда Тошкент вилояти ФВБ Олмалик шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими катта офицери, 2003-2004 йилларда Тошкент шаҳар ФВБ Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи, 2004-2006 йилларда Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси академияси тингловчиси, 2006-2008 йилларда Тошкент шаҳар ФВБ бошлигининг ўринбосари - Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериология) муҳофаза бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳар ФВБ бошлигининг ўринбосари - Тезкор бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳар ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари - Штаб бошлиғи, 2008-2013 йилларда Навоий вилояти ФВБ бошлиғи, 2013-2017 йилларда ФВВ Инспекция бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Айни пайтда ФВВ Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими хизмати бошлиғи лавозимида самарали хизмат қилмоқда.

Пойтахти азимда хизмат қилиш осон эмас. Аҳоли зичлиги ва завод-фабрикаларнинг кўплигидан ташқари, бошқа омиллар ҳам бисёр. Полковник Топил Махамадзиев билан Тошкент шаҳар ФВБда салкам беш йил бирга ишлаганман. Пойтахт туманларида турли муҳофаза тадбирлари тез-тез ўтказилар, белгиланган режага мувофиқ, шаҳар ҳудудида ўтказиладиган қўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув машғулоти ўз вақтида амалга оширилар эди. Бошқарманинг ўша пайтдаги раҳбари ана шундай йирик тадбирларни

тайёрлаш ва уни тулаконли ўтказишни Топил Махамадзиевга ишониб топширди. Вақти-соати келиб, ўзинг раҳбарлик лавозимида ишлаганинда бу тажрибалар сенга асқотади, - дея таъкидлар эди Эргаш Икромов. Бу гапларга фаришталар омин деган эканми, Топилжон ҳам узок йиллар раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб, бунақа катта тадбирларнинг бир нечасини амалга оширди ва кўпларга намуна бўлишга улгурди.

ФВВ раҳбарияти томонидан полковник Махамадзиев Топил Равшановичга берилган тавсифномада

қуйидаги сузлар жой бўлган:

Топил Махамадзиев ўтган давр мобайнида ўзини ижобий томондан, интизомли, саводли, хизмат вазифасини сидқидилдан бажарувчи ва талабчан раҳбар сифатида кўрсатиб келмоқда. У юқори харбий штаб маданияти ва ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбарлардан биридир. Хизмат мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга астойдил ёндашадиган, мураккаб вазиятларда тезкор ва тўғри ҳаракат қилиш қобилиятига эга харбий хизматчилардан биридир.

Доимий равишда республикамиз ҳудудида ўтказиладиган қўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув машғулотида фаол иштирок этиб келмоқда. Топил Махамадзиев "Ишлаб

чиқариш объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича тавсиялар", "Рекомендации по планированию мероприятий гражданской защиты по обеспечению устойчивого функционирования объектов экономики при чрезвычайных ситуациях" номли услубий қўлланмаларнинг ишлаб чиқилишида фаол иштирок этган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

бориш тартиби тўтрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида"ги 744-сонли қарорини ишлаб чиқишида фаол катнашган.

Шунингдек, 60 дан ортиқ ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг хавфсизлик ҳолатини текширувдан ўтказиб, унинг натижаларига кўра фуқаро муҳофазаси йўналиши бўйича амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

- Топилжон билан Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармасида анча йил бирга ишлашимизга тўғри келган, - дейди ФВВ Фахрийлар марказий кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Эргаш Икромов. У дастлабки хизмат фаолиятини 2003 йилда Тошкент шаҳар ФВБ Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлими бошлиги сифатида бошлаган. Унинг тиришқоқлиги, ўз соҳасини яхши билиши, шиддаткорлиги ва бошқа ижобий хислатлари ҳисобга олиниб, вазирлик раҳбарияти билан келишилган ҳолда Тошкент шаҳар ФВБ бошлитининг ўринбосари, кейинчалик бошқарма бошлитининг биринчи ўринбосари - Штаб бошлиги лавозимларига тайинланган.

Гапнинг индаллосини айтганда, Топилжон ўта кизиккон, бошлаган ишини охиригача етказмай қўймайдиган чапани йигитлардан саналади. Ватанпарвар, ҳалол, юқори иш тажрибасига эга мутахассис. Бу унинг ўзига хос хусусиятларидан бири. Унда кишилар билан ўзаро осон тил топа олиш қобилияти, раҳбарлик лаёқати мужассам эди. Шу боисдан, Топил Махамадзияев Навоий вилояти ФВБ бошлитини лавозимида кўп йиллар самарали хизмат қилди.

Вазирликка қайтиб келиб, Фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими хизмати бошлитини лавозимида самарали хизмат фаолиятини давом эттираётган полковник Топил Махамадзияев давлат мукофотига лойиқ топилиб, унга сазовор бўлганини эшитиб, ҳудди ўзим мукофотлангандай жуда севиндим. Бундан илгари, подполковник Раҳмуддин Нуралиев, катта лейтенант Максуд Мансуровлар "Жасорат" медали олганида ҳам ана шундай қувонч хиссини туйгандим. Буларнинг фидойи, содик хизматларини муносиб баҳолаган ФВВ раҳбариятига, шахсан генерал-лейтенант Т.А.Худайбергеновга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Ақсарият инсонларнинг табиати азалдан шунака нозик бўлади. Шогирдлари лавозимга кўтарилса ёки орден ва медаллар олса ёхуд савобли ва хайрли ишлари билан элнинг назарига тушиб, дуо олса устоз учун бундан-да ортиқроқ, юксакроқ эътироф бўлмас керак. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, тарбиянинг дастлабки пойдевори оиладан бошланади. Бундан кўринадики, Топилга ота-онаси яхши тарбия берган. Оилада муносиб тарбия топган оқил фарзанднинг устозга зинҳор отири тушмайди.

Тўтрисини айтганда, Эргаш Жумабоевичнинг гапларида жон бор. Солиҳ фарзандлар ва жасоратли шогирдлар қамолини кўриб юришнинг ўзи фахр ва турур, катта бахт. Айниқса, ёнида юзлаб шогирдлар етиштириб, тайёрлаган фидойи устозлар учун.

Бундай ўйлаб қарасам, Тошкент шаҳар ФВБда анча-мунча офицерлар хизмат қилгани, уларнинг ақсарияти ҳозирги кунда ҳам нуфузли лавозимларда хизмат фаолиятини олиб бораётгани кўз

СОДИК ХИЗМАТ ЭЪТИРОФИ

ўнгимда гавдаланади. Полковниклар Бахтиёр Хайдаров, Абдор Косимов, Хусан Бобонов, подполковниклар Соҳиб Қудратов, Хуршид Алибоев, Бахтиёр Режепов, Раҳмуддин Нуралиев, Урол Бозоров ва бошқалар Эргаш Икромовнинг кўш қанотлари бўлган. Биз хикоя қилмоқчи бўлган қахрамонимиз полковник Топил Махамадзияев ҳам ана шундай етарли иш тажрибасига эга, касбига содик, фидойи шогирдларидан бири.

Мен ҳам Тошкент шаҳар ФВБда шу инсоннинг кўл остида анча йиллар турли лавозимларда ишлаб, шогирд бўлганимдан ҳозирга қадар тоят фахрланиб юраман. Устоз ва шогирдлик макоми азалдан мавжуд бўлиб келган яхши анъана. Бошқаларни билмадимиз менга бир ҳадик тинчлик бермайди. Шогирдлик мақомини эплай олдимми ёки йўқ?!

Айни кунларда ҳам ФВВнинг турли бошқарма, бўлим ва хизмат бошлиқлари лавозимларида ўнлаб шогирдлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Нафақага чиққан ёки бошқа ишнинг бошини тутиб кетган шогирдлар ҳам Эргаш акани хануз "тинч" қўйишмайди. Яхши кунлар, байрам ва бошқа тантаналар баҳонасида тез-тез хабарлашиб, табриқлаб, хол-ахвол сўраб турган ҳолатларнинг кўплаб гувоҳи бўлганман. Тўй-маъракалар Эргаш акаси ўтмайди.

Она-Ватанга сидқидилдан муносиб хизмат қилиш, ўз хизмат бурчига содиклик, юрт хавфсизлигини таъминлашдек савобли, хайрли ва масъулиятли юмушлар инсонга хамиша бахт, шараф келтирган. Полковник Топил Махамадзияевнинг ҳам хизматлари беиз кетмади. Президентимизнинг 2019 йил 11 январдаги "Қуролли Қўшларнинг 27 йиллиги ва Ватан химоячилари қуни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавкулдада вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўтрисида"ги Фармонида кўра "Содик хизматлари учун" медали билан тақдирлангани фикримизнинг яққол исботидир.

Полковник Топил Махамадзияев ФВВнинг мажлислар залида барча мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, "Менга берилган бу давлат мукофоти мени ишга янада масъулият билан ёндашишга, сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Бундай саодатли кунларга эришишимизда устозим Эргаш Жумабоевичнинг хизматлари бисёр. У кишидан бир умр миннатдорман", - деди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Топил Махамадзияев Навоий вилояти ФВБ бошлитини сифатида беш йилдан ортиқ самарали хизмат қилди. Навоий вилояти хақида гап кетганда, биринчи навбатда унинг ҳадсиз чеғараси (худуди бутун Фартона водийсидан бир неча бор катта) кўз ўнгимизда намоён бўлади.

ФВВнинг Матбуот хизмати раҳбари лавозимида ишлаган вақтларимда бу вилоятда кўплаб хизмат сафарларида бўлганман. Вилоятда ўтказилган кўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув машғулотларида бир неча бор иштирок этганман. Айниқса, 2000 йилнинг баҳорида юз берган сув тошқини оқибатларини бартараф этаётган Навоий вилояти ФВБ ходимларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини "Фавкулдада 20 дақиқа" кўрсативида лавоҳа тайёрлаш учун тасвирга олганимиз, бундан ташқари, "Хайдарқўлда нима гап?" - де-

ган бир саҳифа мақола тайёрлаганимиз кечагидай эсимда.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Хайдарқўл - республикамиздаги энг катта қўллардан бири ҳисобланади. У Чордара сувларининг қўшилуги, Арнасой, Тўзқон қўлларининг бирлашуви натижасида ташкил топган. Айрим йилларда табиат инжикликлари сабаб, бу ерда сув ҳажми баъзан кўпайиб, баъзида камайиб туради. Хайдарқўлнинг узунлиги 300 км.дан зиёд бўлиб, Жиззах вилоятининг Фориш ва Зарбдор ҳамда Навоий вилоятининг Нурота ва Қони-мех туманлари ҳудудлари билан тутшиб кетган.

1993 йилда Хайдарқўлнинг сув ситими 17 млрд. куб метрни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб, унинг ҳажми икки баробардан зиёд, яъни 35 млрд. куб метрдан ошиб кетганди.

Мутахассисларнинг фикрича, ўша йили "Тўх-татул" сув тўтонидан электр энергиясининг меъеридан ортиқ; ишлаб чиқарилиши натижасида секундига тахминан 700-900 куб метргача сув Сирдарё орқали тайритабийи равишда "Чордара" сув омборига келиб қўшилган. Оқимнинг сунъий равишда кўпайиши оқибатида юз минглаб гектар майдондаги яйлов сув остида қолган. Бундан ташқари, ўнлаб электр ўтказиш тармоқлари, коллектор хавзалари ишдан чиққан. Натижада Навоий ҳамда Жиззах вилояти ҳудудлари анчагина иктисодий зарар қўлганди.

Ўша йили фавкулдада юз берган вазиятни бартараф этиш учун махсус штаб тузилиб, Навоий вилоят хокимлиги, ФВБ, тот-кон металлургия комбинати раҳбарияти томонидан Хайдарқўлнинг қуйи оқимида қарши тарафини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганди.

Узлуксиз олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида хавф анча чекиниб, юз бериш эҳтимоли бўлган хавф-хатар бироз қайтарилган бўлса-да, шубҳасиз бу ҳолат хотиржам юришга асос бўлолмайди.

Мен юқорида Хайдарқўл хақида бежиз тўхталиб ўтганим йўқ. Қўлнинг қуйи қисми Навоий вилояти ҳудудида жойлашганлиги сабаб, мазкур ҳудуд нафақат вилоят ФВБ бошлитининг, балки бошқа мутасадди раҳбарларнинг ҳам доимо назоратда бўлиб келган. Ана шу ҳолатларнинг ўзи ҳам Навоий вилоятида иш қўламининг нақадар залворли эканлигини кўрсатиб турар эди. Фақат бугина эмас, вилоят ҳудудида жойлашган Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Навоийцемент" каби йирик корхоналар, катта-кичик завод ва фабрикаларнинг бир маромда барқарор ишлашини таъминлашдек тоят масъулиятли вазифалар ҳам Фавкулдада вазиятлар бошқармаси раҳбарининг доимо диққат марказида бўлиб келган. Бу шубҳасиз, бошқарма бошлитидан ўта ҳушёрлик ва зийракликни талаб этиши айни ҳақиқат.

Харакатчан йигит Топил Махамадзияев вазирликка қайтиб келганида ҳам тиним нималигини билмасдан ишлади. Бугунги кунда полковник Топил Махамадзияев устозлик даражасига эришиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб, муносиб шогирдлар тайёрлаш устида астойдил бел бутлаб, ё хизмат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Хорманг, Топил Равшанович!

Азамат СУЮНОВ, журналист

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Маълумки, 2018 йил 14-18 май кунлари бўлиб ўтган қучли ётингарчиликлар оқибатида Қашқадарё вилоятининг бир қатор туманларида сув тошқини ва сел оқими билан ботлик фавкулдада вазиятлар содир бўлди.

Жумладан, ётингарчилик оқибатида вилоятнинг тотли ва тотолди ҳудудларида яшовчи аҳоли ҳонадонлари, автомобиль йўллари, кўприклар ва коммуникация тизимлари сув бошии қузатилиб, жиддий зарар қўрган эди.

Бу ҳолатлар жойига чиқиб ўрганилганда, аҳоли томонидан дарё, сой, канал ва ариқлар ҳамда сел йўллари яқин бўлган ҳудудларга ўзбошимчалик билан ўй-жой қўриб олиш, ирригация тизимларининг сув ўтказиш қобилияти пасайиб кетганлиги, дренаж тизимларининг талаб даражасида эмаслиги ҳамда аҳолининг бундай ҳолатларда ҳаракат қилишни етарли даражада билмасликлари сабаб бўлган.

Булардан келиб чиқиб, вилоятда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Талафот қўрган ҳудудлардаги зарарланган коммуникация тизимларида (газ, электр ва тоза ичимлик суви) таъмирлаш ишлари давом этмоқда, вилоятнинг Чирокчи, Китоб, Камаш, Яқкабот, Дехқонобод туманларида ва Шахрисабз шаҳрида сув тошқини оқибатида зарар қўрган ирригация тизимлари, ички ариқ, дренаж тизимларини тиклаш, уларни лойқалардан тозалаш, таъмирлаш ва сув ўтказиш қобилиятини талаб даражасига келтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Сув босган ҳудудлардаги аҳоли турар жойлари, бино ва иншоотлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларини яроқчилик ҳолати бирма-бир ўрганиб чиқилмоқда. Вилоятнинг тот ва тотолди ҳудудларида, дарё, сой сел йўлларининг хавфли ҳудудларида жойлашган аҳоли турар жойларини, ижтимоий соҳа объектларини фавкулдада вазиятлардан сўртталаш бўйича тартибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Лейтенант Н.АБДУЛЛАЕВ, А.ЖУМАЦУЛОВ, Қашқадарё вилояти ФВБ ходимлари

* ж ж

Киш мавсумида фавкулдада вазиятлар ва ис газидан захарланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, Навоий вилояти ФВБ томонидан тегишли бошқарма, идора ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият, маҳалла вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди.

Мазкур гуруҳлар ҳар бир сектор ҳудудида жойлашган ҳонадонлар ва ташкилотлардаги газ, электр иситиш воситалари, печлар ва дудбуронларнинг хавфсизлик талабларига жавоб бериш ҳолатларини ўрганиб чиқмоқда. Жойларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, муаммоли масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳонадонларга ва ташкилотларга ис газидан захарланиш, газ-хаво аралашмаси чакнашидан оғохлантирувчи эслатмалар тарқатилмоқда, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда баннерлар ўрнатилмоқда. Аҳолига иситиш воситалари ва печлардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари тўтрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Олий таълим, Халқ таълими ва Ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари, коллежлар, академик лицейлар ўқувчилари, институт талабалари билан учрашувлар ташкил қилиниб, ис газидан захарланиш ва газ-хаво аралашмаси чакнашидан оғохлантирувчи эслатма ва буклетлар тарқатилмоқда.

А.РАШИДОВ, Ф.ОБЛОКУЛОВА, Навоий вилояти ФВБ ходимлари

АХОЛИ ВА ХУДУДЛАР МУХОФАЗАСИ

Техноген хусусиятли фавкулда вазиятлар табиий хусусиятли фавкулда вазиятлардан фаркли равишда хар куни содир бўлиб турмоқда ва улар натижасида юзага келадиган талафотлар табиий хусусиятли фавкулда вазиятлардан *ам ортиб кетмоқда.

Бугунги кунда республикамизда аҳоли ва ху- дудларни табиий ва техноген хусусиятли фавку- лодда вазиятлардан муҳофаза хилиш соҳасида бу- тун эътибор куйидагиларга қаратилган:

меъёрий-ҳуқуқий ва услубий базани хар то- монлама такомиллаштириш;

атроф-табиий мухит ҳолатининг мониторинги- ни олиб бориш;

фавкулда вазиятларнинг олдини олиш ёки имкон даражасида уларнинг салбий оқибатлари- ни камайтириш;

куч ва воситаларни тайёрлаш, уларнинг фав- кулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларига тайёргарлигини ошириш;

аҳолини фавкулда вазиятларда харакат килишга тайёрлаш;

аҳоли ва хуудларни фавкулда вазиятлардан муҳофаза килиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Келажакда ҳам аҳоли ва хуудларни фав- кулодда вазиятлардан муҳофаза килиш соҳасидаги ишлар ушбу тадбирларни амалга ошириш орқали олиб борилади. Бунда алоҳида эътибор хавф- ли хуудларни хавф даражасига қараб район- лаштириш, авария ва техноген ҳалокатларнинг олдини олишга қаратилган махсус тадбирларни амалга ошириш, куч ва воситаларни авариялар оқибатларини бартараф этишга тайёрлаш, авария- лар содир бўлганда авария-қутқарув ва бошқа ке- чиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, техноген хавфсизлик борасида олиб борилади- ган назорат ишларида иштирок этиш, жабрланган аҳолининг ижтимоий муҳофазасини ташкил килиш ва бошқа масалаларга қаратилади. Ушбу масала-

ларда устувор вазифа фавкулда вазиятларнинг олдини олиш масаласи бўлиб қолаверади.

Мамлакатнинг иктисодий имкониятлари ор- тан, саноат ишлаб чиқарилиши ошиб борган сари аҳоли ва хуудларни фавкулда вазиятлардан муҳофаза килиш ишларида бир қатор ўзига хос хусусиятлар намоён бўлиши мумкин. Бундай ху- сусиятларга янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, декларациялаш, лицензиялаш, сутурта килиш, экспертиза ўтказиш ишлари- ни киритиш мумкин. Шу билан бирга, куйидаги муҳандислик-технологик чора-тадбирларга ҳам алоҳида эътибор бериш керак бўлади:

лойихалаш ишларини такомиллаштириш;
курилиш-монтаж ишларини такомиллаштириш;
ишлаб чиқариш воситаларини янги, такомил- лаштирилган турларига алмаштириш;
энергия кам талаб қиладиган ва бошқа техно- логик воситалардан фойдаланиш;
сакланадиган ва ташиладиган кучли таъсир этувчи захарли моддалар миқдорини камайтириш;
технологик назорат жараёнини такомиллаштириш;
авария ҳолатларида автоматик ўчириш техно- логияларини жорий этиш.

Глобал муаммолар

Глобал муаммолар, деганда инсон ва табиат ўртасида дунё микёсида ҳамда жамият ичида юзага келадиган нумтаносибликлар тушуни- лади. Глобал муаммолар куйидаги хусусиятлари билан таърифланади:

сайёрамиздаги кўплаб давлатларга тегишли бўлиб, улар бир мамлакат хуудидан чиқиб, бир неча мамлакат хуудини камраб олади;

сайёрамизнинг катта хуудини камраб олишдан ташқари, мавжуд тараккиёт тизимига таҳдид солади; хар хил жойда бир хил қўрилишда намоён бўлади; бир ёки бир неча давлат томонидан унинг оқи-

батларини бартараф этиш имконияти бўлмайди; фавкулда вазият оқибатларини бартараф этиш учун дунё ҳамжамиятининг саъй-харакат- лари талаб қилинади.

Табиийки, глобал муаммолар ҳам аҳоли ва хуудларни фавкулда вазиятлардан муҳофаза килиш билан бутлик муаммони келтириб чиқаради.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан муаммоларнинг хар бир турига қарши курашиш ёки уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни олиб бориш нисбатан самарасиз эканлигига хақида фикрлар ўртага ташла- на бошланди. Натижада 1992 йилга келиб, БМТнинг Рио-де-Жанейрода ўтказилган 2-конференциясида махсус ҳужжат қабул қилиниб, унда "...хар бир давлат ҳукумати барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши лозимлиги... ҳамда ушбу стратегиянинг асо- сий мақсади келажак авлод манфаатларидан келиб чиқиб моддий бойликлар захираси ва атроф-мухитни муҳофаза қилган ҳолда иктисодий ривожланишни таъминлашлари лозим", дея белгиланган.

Барқарор ривожланиш стратегияси ўз ичига иктисодий-сиёсий ривожланишдан ташқари, мил- латлар ўртасидаги тотувликни таъминлаш, диний экстремизм, терроризм, уюшган жиноятчилик- нинг олдини олиш, табиий ва техноген хусуси- ятли фавкулда вазиятларда фуқароларни му- хофаза килиш масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республи- каси Президенти томонидан имзоланган "Ўзбекис- тон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси" фармони талабларининг тўлиқ бажарилиши аҳоли ва хуудларни табиий ва техноген хусусиятли фавкулда вазиятлардан муҳофаза килиш билан бутлик кўплаб муаммолар- нинг ечилишига хизмат қилади.

**Одилбек РАЖАБОВ, ФМИ доценти;
Мухиддан ТИНИБЕКОВ, катта ўқрувчи**

ИС ГАЗИДАН САКЛАНАЙЛИК!

Табиий газнинг тўлиқ ёнмасли- ги, газ оқимининг беҳосдан ўзилиб қолиши, хона ичида газ тўплани- ши, газ плитасини ёкиб, қаровсиз қолдириш, иситиш тизимларига газ- ни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш ва ёнтин содир бўлиши ҳамда ис газларидан захарланиш ҳолатлари билан бутлик бахтсиз ҳодисалар со- дир бўлиши мумкин.

Шунингдек, аҳоли томонидан хавф- сизлик талабларига жавоб бермайдиган қўлбола, ностандарт газ жиҳозларидан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шланг орқали уланиш, носоз ҳолатдаги дудбуронлардан фойдаланиш ҳамда хонадон ичида очик оловдан иситиш мақсадида фойдаланиш ҳолатларининг учраб туриши фуқароларининг ис га- зидан захарланишига ҳамда хаво ва газ аралашмасининг чакнаши натижа- сида жабрланиши, қолаверса, халок бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ис газидан захарланиш унинг хаводаги концентрацияси ва таъсир

муддатига бутлик.

Захарланиш енгил, ўрта ва отир даражаларда бўлади, бундай ҳол- ларда бош каттик отрийди, айлана- ди, қусиш, хушдан кетиш ҳамда нафас олиш секинлашади, баъзан ўлимга ҳам олиб келади.

Ис газ (углерод оксиди) — ранг- сиз, таъмсиз, хидсиз захарли газ. Кимёвий формуласи — CO.

Ис газ (CO) — ер юзиде энергия- нинг жадал ишлатилишидан юзага ке- ладиган, табиатда энг кўп тарқалган захарловчи газлардан биридир.

Қазиб олинадиган ёқилтиларнинг тўлиқ ёнмаслиги — ис газининг асосий манбаидир. У, асосан, кўмир, табиий газ ва бошқа ёқилтиларнинг тўлиқ ёнмаслиги сабабли юзага келади.

Хаво таркибида 0,1% ис газининг бўлиши ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин.

Ис газ организмга тушганда, у кон таркибидаги гемоглобин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро бутлаб, кислороднинг тана

бўйлаб харакатланишини чеклайди. Натижада инсон хушини йўқотади.

Ис газидан суюлтирилган газдан нотўтри фойдаланилганда ҳам захар- ланиш мумкин. Суюлтирилган газ тар- кибида пропан бўлиб, у портловчи ва ёнувчи газдир. Газларнинг хаво билан аралашмаси эса портлайди. Пропан- нинг портлаш чегаралари ёпик му- хитда: паст-1,6%, юкори-9,8% га тенг.

Газлар чала ёниши натижасида CO — ис газ ажаблиб чиқади, бу эса инсон хаётига хавфли таъ- сир этади.

Фуқаролар яшаши учун ажратилган хонадонларда ис газ микдори 0,002 мг/л., ишлаб чиқариш қорхонала- рида 0,02 мг/л.дан ошмас- лиги керак.

Ис газ (CO) захарли газ ҳисобланиб, агар ёпик мухит- да одам бу газ микдори куйи- дагича бўлганда:

а) 0,01 - 0,05% (ёпик мухитда) 2 соатда захар- ланади;
б) 0,2 - 0,3% 30 дакика

ичида ўртача захарланади;
в) 0,5 - 0,8% (ёпик мухитда) киска вақт ичида хаёт учун хавфли даражада захарланади.

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ис газидан захарланиш хо- латларининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

Капитан Ш.РАХИМОВ, Хоразм вилояти ФВБ бошл^и ўринбосари



Содир бўлган ёнтин ва портлашлар, ис газидан захарланишлар сабаб- лари ўрганиб чиқилганда, бу ҳодисалар истеъмолчиларни ёнтин хавф- сизлиги ва хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилмасликлари, газ сўртчилар ўрнатиб олганликлари, газ усқуналарини бошқа жойга қўчи- риш, резина шланглар орқали фойдаланаётганликлари, қўлбола усқунда тайёрланган ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган газ усқунала- ри ўрнатганликлари, газ анжомларини қаровсиз қолдиришлари, маиший газ баллонларини навбатдаги синовдан ўтказиш, техник назорат қилиш ва хар хил чиқиндилардан тозалаш ишларини амалга оширишга руҳсати бор тегишли қорхоналарга мурожаат қилмасдан, ўзбошимчалик билан газ баллонларидаги винтелларни очиб, баллон ичидаги чиқинди ҳисобланган суюқлик (газалин)ни тўкиб, бошқа мақсадларда ишлатилиши оқибатида содир бўлаётганлиги аниқланмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси хуудиде турмушда газдан хавфсиз фой- даланиш қоидалари"га асосан кўп қаватли уйлarda газ плитадан хона- ни иситиш учун фойдаланиш тақиқланганлиги белгилаб қўйилган. Бунинг сабабларидан бири табиий газни ёниши натижасида хонадаги кислород ҳажми камаяди, бунинг оқибатида табиий газ чала ёниб, ис газининг ажра- лишига олиб келади. Шунинг учун ис газидан эҳтиёт чораларини қўриши- миз лозим.

**Лейтенант С.БОБОЕВ, Учкуприк тумани ФВ бўлими ходими;
майор З.МУЗАФФАРОВ, ЁХБ бошл^и ўринбосари**

Киш мавсумида аҳолининг табиий газ ҳамда электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ортади. Шунинг учун электр ва газ мосламаларидан фойдала- нишда ёнтин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишимиз лозим. Беқарволик ва лоқайдлик натижасида нафакат ўзимиз, балки бутун бир хонадонимиз, яқинларимизнинг хаётини хавф остига қўйишимиз мумкин- лигини унутмаслигимиз лозим.

"Ўз уйингни ўзинг асра!" деган шиор хар бир фуқаро, хар бир оила, қорхона, муассаса учун тааллуқлидир. Шундай экан, хар биримиз ёнтин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз зарур.

Бунинг учун эса:

- очик алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини қўриш;
- электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолда, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик;
- белгиланган жойларда чекиш;
- ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашларига йўл қўймаслик, уларни уйда ёлтиз қолдирмаслик;
- ёнтин ва иситиш мосламаларини ўзбошимчалик билан таъмирлама- лик, бу ишларни мутахассислар томонидан амалга оширилишини таъмин- лаш керак.

Агарда биз юкоридаги каби қоидаларга риоя қилмасак, ўзимиз ва яқинларимизнинг хаётини ёнтин балосидан асраб қолган бўламиз.

**Катта сержант Р.МУСАЕВ,
ЎЗМТРК ЁХБ кичик инспектори**

«Кўприк курган кам бўлмас, равон йўлда FaM бўлмас», - дейдилар. Йўл ва кўприк куриш савоб амаллардандир. Ундан шох хам, гадо хам бирдек фойдаланади. Йўл ёки кўприкдан ўтган мусофирлар отанга раҳмат, деса шунинг ўзи кифоя. Уларнинг дуоси ижобат бўлмай колмайди. Соҳибкирон Амир Темур бобомиз хам бундай савоб ишларнинг бошида тургани тарихдан маълум.

Алишер Навоий бобомиз хам вазир лавозимида ишлаган чоғларида айнан йўл ва кўприк куриш ишларига катта аҳамият берганлар. Асарларидаги кахрамонларнинг хатти-харакатларида хам бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, кахрамонлик сифатлари жуда улуғланишининг боиси хам шундадир.

Дарвоқе, мустикаллик йилларида бундай ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, миллий кадрларимизга хос уйғунлик касб этган, хар томонлама замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Айниқса, йўл ва кўприк курилиши борасида ўзбекистонлик қурувчилар ўзига хос мактаб яратганлар, десак муболаға бўлмас. Чунончи, жаҳон меъморчилиги - архитектураси санъатининг ривожланишига муносиб хисса қўшган буюк аждодларимиз ўзининг ноёб қобилияти-ю, ақл-заковати билан барчани дол қолдирганига оксоч тарихимиз гувоҳлик беради.

Маълумки, мамлакатимиз иктисодий тараккиётининг юксалишини автомобиль йўлларисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, «Буюк ипак йўли»нинг асосий қисми хисобланган "Камчик" дово-ни оркали ўтадиган А - 373 "М-39 Гулистон - Бўка - Ангрен - Кўкон - Андижон оркали Уш" халқаро автомобиль йўли республикамизни хориж мамлакатлари билан боғлабгина қолмай, балки муҳим сиёсий-иктисодий аҳамиятга эга.

"Камчик" довоининг автомобиль йўли унча баланд бўлмаса-да, (денгиз сатҳидан 2050 метр) Марказий Осиё давлатлари ичида энг узунлари-

талаб этилади.

Бундай масъулият, қолаверса, шарафли ва савобли, шу билан бирга хайрли ишларни ўз вақтида бажариш ҳаммининг хам кўлидан келадиган юмушлар хилидан эмас. Бунинг учун, аввало, фидойи ва жасур бўлмоқ талаб этилади. Аслида халоскорлик хизматининг, садокат ва бурчнинг муқаддаслиги хам шунда!

Ана шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини

ДОВОНДАГИ

режасига асосан Фавқуллода вазиятлар, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзгидромет" бошқармаси, Хавфли геологик жараёнларни қўзатиш давлат хизмати ва бошқа мутасадди идораларнинг ҳодимлари фаол иштирок этмоқдалар.

"Камчик" махсус кидирув-қутқарув бошқармасининг довоидаги қутқарувчи йигитлари ҳақида мақола ёзиш истагида "халоскорлар маскани" томон йўл олдиқ. Бир кеча улар ҳузурда тунаб "тоғлик" нажоткорларнинг иш фаолияти билан танишдик.

Қутқарувчилар хар куни эрталаб соат 6:00да жисмоний тайёргарликдан бошлаб, касбий, махсус ва жанговар тайёргарлик бўйича ўз маҳоратларини ошириш, транспорт воситаларининг барқарор харақатини таъминлаш, чин маънода, аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш ишлари билан кунни тунга, тунни кунга улаб мудом хизматда шай турадилар.



дан бири саналади. Бу йўлдан республикамизнинг аҳолиси зич жойлашган Фаргона водийсининг учта вилоятдан ташқари, хориждан келган йўловчи-сайёҳларнинг хам қадами узилмайди. Айниқса, кўшни Тожикистон ва Киргизистон Республикалари аҳолиси, балки хитойлик меҳмонлар учун хам энг қисқа ва қулай бўлган тоғ йўли хисобланади. Довон йўлининг кишин-ёзин серкатновлиги хам шундан.

Бирок киш мавсуми бошланиши биланок, "Камчик" довоига қалин қор ёғиши, йўлларнинг музлаши, ён-атрофнинг қуюқ туман қоплаши, қор қўқчилари рўй бериши ва бошқа табиий офатларнинг қутилиши эҳтимолдан холи эмас.

Айни пайтда қорлар ёғиб, совуқ кунлар бошлангач, автомагистрал йўналиши бўйлаб, бир кеча-кундузда ўн беш мингдан йигирма мингга яқин турли хил русумдаги транспорт воситаларининг катнови қузатилмоқда. Ёзги мавсумда бу рақам янада кўпайиши табиий хол, ҳозир киш мавсуми бўлса-да турнақатор уловларнинг кети узилмайди.

Тасаввур қилинг. Довон сари юқорига ўрлаб кетаётган оғир қарвон уловнинг носозлиги, ортикча юк юкланганлиги ёки хайдовчининг қалтис хатоси, энгил машиналарнинг беҳос тўқнашуви ёхуд бошқа бир фалокат туфайли авария натижасида йўловчилар қаттиқ жароҳат олиб, жон талвасасида ётибди, дейлик. Ана шундай пайтларда ҳаёт учун қурашаётган ёнги санокли дақиқалар ичида жони узилиш арафасида турганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ва яқин орадаги касалхоналарга зудлик билан етказишда шубҳасиз қутқарувчиларнинг беҳимнат хизматига эҳтиёж сезилади. Бунинг учун қутқарувчиларнинг куну тун хизмат жойларида ҳушёр ва шай туришлари

олиш, фавқуллода вазиятларда ёрдам беришни янада яхшилаш, қутқарув хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида довоининг энг баланд қисми (автомобиль йўлининг 163 км.)да «Камчик» кидирув-қутқарув отряди ташкил этилган эди. Мана, салкам йигирма йилдирки, техноген авариялардан ташқари ер ва қор қўқчи ходисалари хам бир неча бор қузатилган бўлса-да, у қадар йирик халокатларга йўл қўйилмади.

Довондаги довурак қутқарувчилар вақти-вақти билан қўмондонлик-штаб хамда махсус-тактик тайёргарлик ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб, ўзларининг маҳоратларини амалда синаб кўрмоқдалар. Машқ шартига кўра, зудлик билан воқеа жойига етиб келган Қутқарув гуруҳи қор қўққиси босиб қолиши натижасида машина ичида қолиб, жароҳат олган йўловчиларга биринчи навбатда қутқарув хизмати кўрсатиш ва зудлик билан "тез ёрдам" машиналарига жойлаштириб, яқин атрофда жойлашган тиббиёт масканларига жўнатиш амаллари бажарилади.

Бундай хавфсизлик тадбирларини бот-бот ўтказиб туришдан асосий мақсад, катта автомагистрал йўналиши бўйлаб катнаётган хайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлиги хамда саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл-транспорт катновини янада яхшилаш чора-тадбирларини кўриш, шу билан бирга табиий ва техноген хусусиятли фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, унинг зарарли оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, жабрланганларга шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатишдир. Албатта, харақат хавфсизлиги ва қутқарув ишларини хамкорликсиз амалга ошириш қийин. Ҳуқуқимиз томонидан тасдиқланган хамкорликда харақат қилиш

Қутқарувчилар томонидан А - 373 "М-39 Гулистон - Бўка - Ангрен - Кўкон - Андижон оркали Уш" халқаро автомобиль йўлининг "Камчик" довоида ва "Ангрен - Поп" электрлаштирилган темир йўлида транспорт воситаларини хавф-хатарсиз харақатланишини таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган табиий хамда техноген хусусиятли фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш ишларида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш хамда довоини орқали харақатланаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш ишлари тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Довон бўйлаб, бугунги кунда 15 та назорат постлари ташкил этилган бўлиб, уларда қутқарувчилар билан бирга ИИБ ЙХХХ, Соғлиқни сақлаш ва йўлсозлар томонидан кеча-ю кундуз навбатчилик олиб борилмоқда.

Шу ўринда кишининг аёзли - совуқ кунларида йўловчиларга бошпана бериш, ҳаёт фаолиятини таъминлаш хамда фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўз вақтида, самарали ташкил этиш борасида Тошкент ва Наманган вилояти ҳокимликлари томонидан тегишли идоралар ва ташкилотлар билан хамкорликда ташкилий тадбирлар қўриб қўйилган.

Эътироф этмоқ жоизки, бу ерда анча ўзгаришлар, яъни ўтган йиллар мобайнида содир бўлиши мумкин бўлган офатларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш шахсий таркибининг касбий, махсус ва жисмоний тайёргарлик хамда маънавий-маърифий тайёргарлик натижасида авария-қутқарув ва кидирув-қутқарув ишларини ташкил этиш, жанговар шайликни ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдиқ.

Айни пайтда "Камчик" Махсус кидирув-қутқарув бошқармасининг 50 фойзини ёш қутқарувчилар ташкил қилади. Бу ерда иш уч сменада ташкил этилган. Қувончли жиҳати шундаки, янги йил арафасида довоининг энг юқори қисмида бирикма шахсий таркиби учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Бу ерда кишин-ёзин спорт билан шугулланиш, тоғ шароитида қутқарув ишларини олиб бориш бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча имкониятлар бор. Ягона навбатчи-диспетчерлик хизмати, қутқарувчилар учун ётоқ жойлари, касбий тайёргарлик, маънавий ва маърифат хоналари, ювенил жойлари замонавий архитектура талабларига жавоб беради.

Шу ўринда, "Камчик" навбатчилик масканида кутубхона хам ташкил этилди.

Шинамгина жиҳозланган маърифат хонаси ва кутубхонани кўздан кечираётган экансиз, китоблар жавонида турли адабиётлардан ташқари, республикамизда чоп этиладиган газета ва журналлар таҳламига кўзингиз тушади. Қутқарувчилар бўш вақтларида мутулаа билан шугулланишади. Бундай ишлардан кўзланган мақсад ва вазифалар шахсий таркибни маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қутқарувчи бурчи-га садокат, юқори профессионал харбий хизматчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

"Камчик" довоида Фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва харақат қилиш давлат тизими таркибига қирувчи вазирлик ва идораларнинг навбатчилик қилувчи хизмат билан тезкор алоқа тизими мунтазам ишлаб турибди.

Қаҳратон кишда хам хоналар совиб кетмайди. Жўмрақларни бурасангиз бас, иссик-совуқ сув тайёр.

Айтиш жоизки, ўтган йиллар ичида ФВВ тизимида катта ўзгаришлар бўлди. Олиб борилган ислохотларнинг самараси уларок, "Камчик" махсус кидирув-қутқарув бошқармаси шахсий таркиби хам сифат ва самарадорлик жиҳатдан анча такомиллашди, ёш, етуқ мутахассислар жалб этилди. Муҳофаза тадбирлари учун зарур техникалар, қутқарув хизмати учун асқотадиган

асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бинобарин, шароит етарли бўлган жойда иш самараси *ам шунга яраша бўлиши табиий.

Фалокат оёх остида, дейдилар. Бирор ходиса хахида маълумот тушган захоти хизматга шай халоскорлар санохли дахихалар ичида хутхарув воситалари билан жихозланган машиналарга ўтириб, вохеа жойида хозир у нозир бўлишади. Бундай пайтларда хар бир дахиха ганимат. Хар бир хилинган эпчил ва тўгри харакат ўзининг самарасини бермай холмайди.

Кутилмаган вохеалар содир бўлганда халоскорлар хамиша хизматга шай. Биринчи хўнгирихдаёх зудлик билан вохеа жойи томон отланади. Авария-хутхарув, хидирув-хутхарув ва Радиацион, кимёвий биологик (бактериологик) мухофаза гурухлари йурихчи-хутхарувчилар, кимё разведкачилар, хутхарувчи-хайдовчи, кинологлар малака ошириш, тайёрлаш ва хайта тайёрлаш курсларида тахсил олишган.

ФВВ томонидан тасдиқланган режага асосан, Фухаро мухофазаси институтида 44 нафар, Республика тез тиббий ёрдам марказида 5 нафар хутхарувчилар махсус тайёргарликдан ўтиб сертификат олган бўлса, 3 нафар кинолог эса Республика кинология марказида махсус курсларни ўтаб хайтдилар.

Шу ўринда хутхарувчи тажрибани ўрганиш ва ўзи-

ишларига дархол киришади.

Бундай тезкорлик ва махоратга ўз-ўзидан эришилмайди, албатта. Бунинг учун тинимсиз машхилиш, турли-туман табиий тўсихлардан ошиб ўтиб, ўпирилишлар, чўкмалар ёки бошха холатларни бартараф этиб, шу аснода жони азоб чекаётган, хаёти хавф остида холган кишиларга ёрдам кўрсатиш, уларни хутхариш учун кеча-кундуз тайёр туриш осон юмушлар хилидан эмас. Айнихса, тог шароитида. Худдики ёгочга миx хоххандек, тогу тошларга хозих ўрнатиб, махсус архонлар ёрдамида жабрланганларни хавфсиз жойларга олиб чиқишнинг хам ўзига яраша захмати, масъулияти бўлади. Кутхарувчиларга хос бўлган бундай ишларни бажариш хамманинг хам хўлидан келавермайди.

Маълумотларга кўра, доводнда бир йилда тахминан 150-200 дан зиёд йул транспортида харакат хавфсизлиги, кўнгилсиз ходисалар ва хавфли вазиятлар хайд этилар экан. Бу хар ойда ўртача 15-20 тага тўгри келади, деган гап. Шундай холатларнинг кўпчилиги тунда ёки тонг чогида рўй беришини хисобга оладиган бўлсак, хутхарувчиларнинг зиммасига нахадар залворли масъулият юкланганини сезиш хийинмас. Довондаги хутхарувчилар хишу ёзин халоскорлик юмушлари билан банд бўлишади, десак муболага бўлмайди. Негаки, хиш ойлариди хорнинг меъеридан ортих ёгиши натижасида кўчкиларни сунъий тушириш ва бошха мухофаза-

лар сел охимига тушиб холган. Бошхарманинг хутхарувчи-халоскорлари томонидан 16 нафар фухаролар - хайдовчилар ва йўловчилар хутхариб олиниб, 4 нафарига шу жойнинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилган, 2 нафар фухарони эса Ангрэн шахар шифохонасига ётхизишга кўмаклашдик. Ўз вахтида кўрсатилган хутхарув ёрдами ижобий самара бериб, фухароларнинг ўлими билан боглих нохуш ходиса кузатилмади.

"Ўзгидромет"нинг маълумотига кўра, 2019 йилнинг 15 январь куни соат 15:15 ларда А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг "Камчих" доводнидан ўтган хисмида хор ёгишни бошлаб, кун доводида сурункали хор ёгиши, хаво харорати кундузи 0-3 даражагача, кечаси 2-5 даража совух бўлиши ва шамол тезлиги 12-17 м/с гача кучайши кузатилиб, 16 январь куни соат 02:00 холатига тог ёнбагриликлариди хор хатлами халинлиги 250 см. метеомайдончасида эса 123 см. ташкил этган. Шу куни сурункали хор ёгиши охибатида 15 январь куни соат 16:00 лар атрофида автомобиль йўлининг 238 (161) км "Водий-Тошкент" йўналиши тог ён багрилигидан 150 м³ хажмда 239,3 (162,3) кмда 80 м³ хор йўлнинг хатнов хисмига тушган ва 1 та энгил Ласетти русумли автоторанспорт воситаси хор уюмлари орасида холиб кетган. "Камчих" ММКБ хутхарувчилари, Наманган вилояти ИИБ ЙХХБ, ССБ, "Камчихавтойул" ИЙФУК билан хамкорликда хор уюмлари орасидан автоторанспорт ва 4 нафар йўловчилар сог-саломат хавфсиз худудга чихарилиб, Тошкент йўналишида харакатлари таъминланди.

Фавхулудда вазиятларнинг олдини олиш махсадида Ўзбекистон Республикаси Фавхулудда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари - Штаб бошлиги генерал-майор А.Х.Кўлдашев бошчилигида мутасадди вазирлик ва идоралар ходимларини жалб хилган холда соат 19:00да Идоралараро тезкор штаби йигилиши ўтказилиб, "Камчих" доводнида хавфсизликни таъминлашга масъул хизматларга кўрсатма ва аних вазифалар белгилаб берилди.

Жорий йилнинг 15 январь куни соат 19:00га хадар хор кўчки хавфли худудда 228-253 км оралигида барча автоторанспорт воситалари ва йўловчилари хавфсиз худудга эвакуация хилинди.

Тошкент вилоятининг Охангарон туманида ташкил этилган вахтинчалик эвакуация хилиш пунктларига Тошкент вилояти ФВБ, Охангарон туман хокимлиги ва туман ФВДТ хизматлари билан хамкорликда жами 2443 нафар фухаро ва 657 та транспорт воситалари, Тошкент вилоятининг Ангрэн шахрида ташкил этилган вахтинчалик эвакуация хилиш пунктларига Тошкент вилояти ФВБ, Ангрэн шахар хокимлиги ва шахар ФВДХТ хизматлари билан хамкорликда жами 1417 нафар фухаролар ва 341 та транспорт воситалари, Наманган вилоятининг Поп тумани худудида ташкил этилган вахтинчалик эвакуация пунктларига 352 нафар фухаролар вахтинчалик исиниш пунктларига жойлаштирилди. Шунингдек, автомобиль йўлининг 221 км.да холиб кетган 122 нафар йўловчилар "Орзу" вокзалида вахтинчалик жойлаштирилди. Ва улarga иссих овхат, исиниш жойлари, тиббий ёрдам ва психологик кўмак кўрсатилди.

Тог ёнбагри атрофида истихомат хилувчи ахолининг сўзларига хараганда, улар нафахат инсонларнинг, балки сел ва кўчки хавфи мавжуд бўлган худудлардан уй хайвонларини хавфсиз жойларга хайдаб чиhib кетган вахтлари хам кўп бўлган экан.

Айни кунларда "Ангрэн-Поп" темир йўл линиясида хавф солиши мумкин бўлган холатларни ўз вахтида анихлаш ва зарурий мухандис-химоя тадбирларини бажариш бўйича комплекс чоратадбирлар режасига асосан, "Кўхон" минтаховий темир йўл узели томонидан темир йўлнинг кўчки хавфли, тош тушиш хавфи мавжуд участкаларда содир бўлиши мумкин бўлган фавхулудда вазиятларнинг олдини олиш махсадида мухандислик-химоя тадбирлари мунтазам олиб борилмохда.

Сўнги вахтларда довод йўлида хатнов харакати ошиб бормохда. Табиийки, йўл-транспорт ходисалари сонининг бироз ўсиши кузатилмохда. Бу шубхасиз, хутхарувчиларнинг масъулиятини кучайтирмасдан холмайди. Утган 2018 йил мобайнида 44 та ЙТХ содир бўлгани ачинарли хол, албатта. Юз берган хар хандай кўнгилсиз ходиса тўгрисида маълумот олгани захоти хутхарувчилар вохеа жойига этиб боришади. Автофалокатлар ва бошха эхтиётсизликлар натижасида кўмакка мухтож бўлган 103 нафар хайдовчи ва йўловчига шошилиш хутхарув ва тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида жабрланганларнинг хаёти сахлаб холинди.

Тахлилларга мурожаат хиладиган бўлсак, "Камчих" махсус хидирув-хутхарув бошхармаси ташкил этилган (2000 йил) дан буён турли кўринишдаги фалокатлар натижасида шикастланган юзлаб инсонларнинг хаёти сахлаб холинди. Бу, шубхасиз, минглаб хонадонларга хувонч, бахт олиб келганидан далолат беради.

**Азамат СУЮНОВ, Ўзбекистон
Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

КУМАКЧИЛАРИМИЗ

мизда тизимли ва самарали хўллаш борасида Белорус Республикаси ФВВ Фухаро мухофазаси университетиди подполковник Муроджон Дарханов, сержант Муроджон Байчаев, сержант Абдуманно Комилов, хутхарувчи Умар Халиловлар малака ошириш курсларида хатнашиб, ўз билим ва тажрибаларини ошириб келишганини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, хутхарувчилар халхаро мусобахаларда хам иштирок этиб келмохда. Козогистон Республикасида бўлиб ўтган "Казпас-2018" хутхарувчилар мусобахасида кичик сержант Хасан Рахов, хизматчи Умар Халилов иштирок этиб, Ўзбекистон ФВВ термина жамоа шаънини муносиб химоя хилишиб, фахрли ўринларни эгаллашгани кишида гурур хиссини уйготиши табиий.

Ходимларимиз ўтган йилда 350 дан ортих хутхарув жараёнларида хатнашган бўлса, шундан 83 тасида йўл-транспорт ходисалари ва фавхулудда вазиятлар бўйича чахирувларга чиhib, халоскорлик ишларини олиб боришди. Уларни бартараф этишда асосан хўмондонлик-штаб хамда махсус-тактик машхлар жараёнида орттирилган малака ва чинихиш хўл келди, - дейди "Камчих" махсус хидирув-хутхарув бошхармаси бошлиги полковник Хасан Бобонов биз билан сухбатда. - Кутхарувчиларимизнинг саъй-харакатлари натижасида ўтган йил мобайнида фавхулудда вазият ва экстремал шароитларга тушиб холган 270 нафардан ортих одамнинг хаёти сахлаб холинди. Турли даражада жарохатланган 103 нафар кишига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилди. Миллионлаб моддий бойликлар асраб холинди. Тоглар, сув хавзалари, "Камчих" доводнидаги тезкор вазият хамиша бизнинг диxхат марказимизда. Бирор фалокат, кор-хол рўй бердими, йигитларимиз хутхарув

профилактика тадбирлари билан машгул бўлишса, холган ойларда эса техноген авариялар - йўл-транспорт ходисалари охибатида жабрланганларга шошилиш кўмакка ошихадилар.

- Хамрохим билан Тошкентдан хайтаётганимизда кучли хорбўронга дуч келиб, аксига олгандек машинамиз хам бузилиб холди, - дейди Олтиарихлик хайдовчи Э.Шодиев. - Хаво совух, боз устига увиллаб турган тог шамоли кўз очиргани хўймайди. Машинани тузатишга анча уриндик, тузатишнинг имкони бўлмади. Бахтга харши шу вахт оралигида хаердадир хор кўчкиси рўй берган бўлса керак, бирор техника ўтмайди. Нима хилишимизни билмай эрталабгача машинамизнинг захира гилдирагини ёхиб исиниб чихсакми, деб турувдикки, кечаси соат 1 ларда хутхарувчилар ёрдамга этиб келишди, хайрият. Шу пайтгача доводнда бундай халоскор йигитлар ишлашини билмас эканмиз. Улардан жуда миннатдор бўлдик.

- 2018 йил 8 июнь соат 21:00лар атрофида хавфли гидрометеорологик ходиса кузатилган эди эди, - дейди "Камчих" ММКБ бошлигининг биринчи ўринбосари - Штаб бошлиги подполковник М.Дархонов. - Шу куни хисха муддатли кучли ёгингарчилик охибатида автомобиль йўлининг 148 км. оралигида сел билан боглих фавхулудда вазият кузатилиб, автомобиль йўлининг хатнов хисмига узунлиги 202 м, эни 45 м, баландлиги 2,2 м, умумий хажми 19998 м³ тош ва лой аралашмаси охиб тушган. Натижада фухаро Н.Рахматуллаевга тегишли ошхона худудидаги 4 та "Исузу" ва 2 та "МАН" русумли юк автомобиллари хамда автомобиль йўлида харакатланиб келаётган 2 та "Нексия", 1 та "Кобалт", 1 та "Ласетти" русумли энгил автомобил-



КИШЛОК ХУЖАЛИГИ МЕТЕОРОЛОГИЯСИНИНГ ИЗОШЛИ ЛУГАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Д Хосилни механик йигиб-териб олишни энгиллаштиради. Барглари, асосан гўза барглари йигим-теримдан олдин, шунингдек, бўри дуккаги барглари уругини теришдан олдин тўкиб юбориш - дефолиация қилиш учун қўлланилади. Д. сифатида турли даражада захарлилик хусусиятига эга бўлган магний хлорат, бутифос, бутилкаптакс, мерфосдан фойдаланилади.

(К.-х. энциклопед. лугати бўйича, 1989.)

дефолиация. Хосил йигим-теримини механизациялашган равишда (машиналарда) ўтказилишини энгиллаштириш учун к.-х. экинларининг баргини хосил йигим-терими олдида тўкиб юборишга қаратилган технологик жараён. Д. қилиш учун кимёвий моддалар - дефолиантлар ишлатилади. Д. ўсимликларга дефолиантни ер устки агрегатлари ёки к.-х. авиацияси ёрдамида пуркалишидан иборат жараён. Д. дан энг кўп даражада пахтачиликда фойдаланилади; одатда сентябр ойида, ўртача ҳаво ҳарорати 17 °С даражагача тушганда ва тунги соатларда шудринг тушадиган паллада ўтказилади.

дешифрлаш. (франц. deshiffrer - шифрни очмоқ, шартли белгилар асосидаги матнни ўқимоқ). Агрометеорологияда асосан аэрофотосуратларни ва тупрок ва ўсимлик коплами, шу ж. к.-х. экинлари тўғрисида ер йўлдошидан олинган ахборотдан

фойдаланилганда қўлланилади.

Дехкончилик. Агрономиянинг к.-х. экинларига ишлов беришнинг ва хосилдорликни оширишнинг умумий усулларини ўрганувчи қисми. Д. фан сифатида тупрок унумдорлигини ошириш, тупрок ва ўсимликларнинг ўзаро муносабатлари, тупрокка механик, биологик ва кимёвий таъсир этиш, уни эрозиядан сақлаш, экинларни касалликлардан, зараркунандалардан, бегона ўтлардан ва ноқулай шарт-шароитлардан (кургокчилик, гармсел, аёздан) асраш [услуглари] орқали доимий юкори [хосил] олиш масалалари билан шугулланади. Хар бир зона учун Д. тизимлари ишлаб чиқилган. Д.нинг қуйидаги турларга ажратилади: баркарор Д. (тупрок-иклим шароитлари қулай, хар йили сугормасдан турли хил экинларни муваффақиятли етиштириш имконини берадиган ҳудудларда); сугорма Д., баҳорги Д., тоғ Д. ва х.к.

Диаметр (ўсимлик унсурлариға оид). Ўсимликлар ва к.-х. экинлари биомассаси ўсишининг сантиметрларда ифодаланадиган билвосита кўрсаткичи. Агрометеорологияда вегетация даври мобайнида асосий поянинг (жўхори); ил-дизмеванинг (лавлаг, бруква); кунгаботар савати Д. ўлчанади.

Динамик моделлар. Кишлоқ хўжалик метеорологиясида биологик тизимларнинг (кишлоқ хўжалик экинларини экиш, фитоценозлар) ёки биологик объектларнинг (киш-

лок хўжалик хайвонлари, кишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари) математик моделлари бўлиб, уларда ўсимликнинг (хайвоннинг) атроф-мухит билан қувват ва масса алмашинувининг замонада ўзгарувчан жараёнларига оид сабаб-оқибат алоқалари акс этади. Д.м. одатда дифференциал тенгламалар ёки уларнинг тафовут ўхшашлари сифатида шакллантирилади ва уларнинг ёрдамида "об-хаво - тупрок - ўсимлик (хайвон) махсуддорлиги - зараркунанданинг тарқалиш ривожини" тизимининг барча хоссалари ва параметрлари вақт кесимида ҳисоблаб топилади. Қуйидагиларга бўлинади: қиска муддатли Д.м., [ўсимлик махсуддорлик жараёнининг] (хайвон махсуддорлиги динамикасининг) ёки улар таркибий қисмларининг [суткалик боришини] изохлайди; узок муддатли Д.м., вегетацион давр (мавсум ёки вақтнинг бошка кесими) давомида ўсимлик махсуддорлик жараёни ёки хайвоннинг энергетик мувозанати барча жиҳатлари камраб олган ҳолда вақт ичидаги суткалик ўзгаришлари билан изохлайди.

(Сиротенко ва б. бўйича, 1981.)

Дисперсия. Қўриб чиқилаётган (тасодифий) микдорнинг ўртача микдордан четлашувини кўрсатувчи математик статистикада энг кўп қўлланиладиган ўлчамдир; X_1, X_2, \dots, X_n микдори квадратлари ўртача арифметик микдорининг X' дан четланиши ўртача арифметик

микдорига тенг:

$$a^2 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (X_i - X')^2$$

Д.нинг квадрат илдизи ўртача квадрат оғиш (a) ҳисобланади.

(Хромов, Мамонтова бўйича, 1974.)

Диссимилиация. (лот. dissimilis - ноўхшов). Модда алмашинуви кирраларидан бири бўлиб, тирик организмларга қирувчи органик моддаларнинг (карбонсувлар, оксил, ёғларнинг) бир мунча оддий моддалар: сув, карбонат ангидрид, аммиакка парчаланиши ва уларнинг организмдан чиқариб ташланиши билан кейинги ассимиляция жараёнлари учун асосий манбага айланиши орқали ифодланади. Д. жараёнлари - нафас олиш, бижил, гликолиз натижасида қувватнинг эркинлашуви хосил бўлиб, у қисман хароратга айланади ва қисман аде-нозинфосфор кислоталар қувватиға (кўпинча ТТФ) айланади. Д. - ассимиляция жараёнининг аксидир: Д. ва ассимиляция жараёнларининг ўйгунлашуви органик моддаларнинг узлуксиз янгиланиб боришини таъминлайди ва ўсимлик ҳамда хайвонот организмларининг ҳаёт фаолияти асосини ташкил этади.

(Давоми бор)

**Аъло АБДУЛЛАЕВ,
Маловат РЎЗИЕВА**

ЭЛГА ЕЛКАДОШ БЎЛИБ

Бухоро вилоятининг Вобкент тумани "Хайрхуш" маҳалласи ахли баъзан учрайдиган оддий тиш огригидан ҳам безовта бўлишарди. Чунки маҳалла ҳудудида шифокор бору, сифатли хизмат кўрсатиш учун усқуналар йўқ эди. Ана шуни инобатга олган шифокор Нурсултон Рахимов учинчи сектор раҳбарига мурожаат қилди. Сектор раҳбари, подполковник А.Жалилов тадбиркорнинг лойиҳаси билан танишиб, унга амалий ёрдам берди. Яъни, у банк раҳбарлари билан учрашиб, "Вобкент Дента сервис" МЧЖ ҳисобиға стоматология фаолиятини ташкил этиш мақсадида 25 миллион сўм кредит ажратилишиға муваффақ бўлди. Н.Рахимов эса бу суммага замонавий асбоб-усқуналар харид қилиб, ниятиға эришди. Айни кунларда хайрхушликларнинг оғири энгил бўлибгина қолмай, тиш огриги дардидан ҳам халос бўлишарди.

Катаганлик иккинчи гуруҳ ногирони Шариф Очиловнинг турмуш ўртоғи ҳам ўзи сингари ногирон ва улар кам таъминланган оилалар рўйхатида туришарди. Сектор раҳбари хонадоннинг ховлисини том қисмини шифер билан қоплашда амалий ёрдам кўрсатиб, қувончига қувонч қўшди. Шунингдек, "Пахтакор" маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилалардан яна бири Ж.Раҳмоновнинг оиласи ҳам шундай қувончға мушарраф бўлди. Сектор ҳудудида жами 168 та кам таъминланган оила бўлиб, шундан 147 нафарига моддий, озик-овкат, турли ўй-рўзгор буюмлари, иситиш печлари ва газ баллонлари тартибида ёрдам кўрсатилди. Подполковник Абдувоҳид Жалилов раҳбарлиғидаги 3-секторда маданий, ижтимоий-иқтисодий, маиший шароитларни яхшилаш, мавжуд муаммолар юзасидан амалий ечимлар топиш масаласиға алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Сектор раҳбари ва аъзоларининг саъй-ҳаракати билан барча оилалар бирма-бир ўрганилди. Ўрганишлар жараёнида аҳолидан 779 та турли муаммолар ҳамда аҳолини қийнаётган масалалар аниқланди. Шундан 596 таси секторда бартараф этилди. Қолган 183 та муаммолар эса мўлжалланган "Йўл харита"лариға қиритилиб, хар чорак давомида белгиланган муддат асосида хал этилиб борилаяпти. Яна ҳудуддаги 3324 нафар пенсионер, 376 нафар ногирон бўлган фуқароларнинг ҳам яшаш шароитлари ўрганилиб, учраётган муаммолари тулик бартараф этилмоқда.

Мурожаатлар асосида шу кунгача 206 нафар

фуқароларға имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, сектор раҳбари саъй-ҳаракати билан электр энергияси, газ таъминотидаги узиллишлар, ичимлик суви, ички йўлларға доир муаммолар ҳам ечим топмоқда. Ҳудуд бўйича 8,5 километр масофадаги газ қувурлари жорий таъмирланиб, тартибға келтирилди. Мавжуд 172 та газ маромлаш пунктлари ва 348 та ёпиш усқуналарини тафтишдан ўтказиш ишлари бажарилди. Яна "Диёр", "Халач", "Найман" ва "Шанба" маҳалла фуқаролар йиғинларида табиий газ таъминоти етиб бориши қийин бўлганлиғи сабабли босқичма-босқич суюлтирилган газға мослаштириш ва газ баллонлари билан таъминлаш чоралари қўрилди. Бундан ташқари, "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғинида 15,8 километр масофаға ичимлик суви қувурлари тортиш ишлари лойиҳалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 13 километр масофаға сув қувурлари ётқизилди. Электр таъминоти бўйича олти дона электр трансформаторлари жорий таъмирланди, учта янгидан қўшимча электр трансформаторлари ўрнатилди. Шунингдек, иккита электр трансформаторлариға қучли қувватлагичлар қўйилди. Яна пахтакорликларға ҳам электр энергияси доимий бўлиши ҳам йўллар оғидин бўлиши мақсадида 60 дона ёғоч симёғочлар бетон ёғочларға алмаштирилиб, замонавий чироклар ўрнатилди.

Албатта, сектор фаолияти факат аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш билан чекланиб қолмайди. Бунёдкорлик ҳамда ободончиликда ҳам самарали ишлар амалға оширилмоқда.

Сектор раҳбарининг ташаббуси билан "Пахтакор" МФЙ ҳудудидаги фойданилмасдан бўш қолган бино қайта таъмирланиб, спорт зали ва машғулотлар тренажорлари олиб келинди ва ёшларни спорт билан шугулланишлари учун имконият яратилди.

Колаверса, "Ёшлар-кељағимиз" давлат дастури бўйича ҳам айнан секторда ижобий ишлар ташкиллаштирилди. Айниқса, ишчи гуруҳлар томонидан ўйма-ўй юриш асосида ёшларнинг ижтимоий фаоллиғи ва турмуш шароитлариға "ди-агноз қўйиш" орқали туманининг ёшларига оид паспортини шакллантиришда сектор ҳудудидаги барча хонадонлар ўрганилди. Бунинг натижасида бир нафар ёшлар рўйхатдан ўтмасдан яшаб келаётганлиғи, саккиз нафар ёшлар ўй-жойға муҳтожлиғи, 389 нафар ёшлар ишсизлиғи ва

булардан 19 нафари меҳнатға лаёқатсизлиғи аниқланди. Ушбу масалаларни тегишли идора ва ташкилотлар томонидан қонуний хал этиш чоралари қўрилмоқда. Маҳаллаларда ёшлар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Суҳбатлар жараёнида асосан ёшларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва ёшлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишға эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда секторда яна бир лойиҳа амалға оширилмоқда. Бу лойиҳада хар бир маҳаллада "Ёшлар меҳнат гузарлари"ни қуриш режалаштирилган. Айни пайтда намуна тарзда "Шанба" ва "Диёр" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида "Ёшлар меҳнат гузарлари" қурилишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, 88 нафар муддатли харбий хизматдан қайтган ёшлар Ички ишлар органлариға кириш истагини билдирди. Сектор раҳбари уларнинг мурожаатини инобатға олиб, кадрлар захирасиға киритди. Сўнг уларни профилактика инспекторлариға бириктириб, "Фидойи ёшлар отряди", яъни "Жасорат" гуруҳи тузилди. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқий тартиб ўтказишда уларнинг хизмати катта бўлаяпти.

Шунингдек, ўрганишлар натижасида аниқланган қорхона, ташкилотларнинг 402 та бўш иш ўринларига ишсиз бўлган ёшларни жалб қилиш мақсадида ўтган йили туманда "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Амалға оширилган тадбирлар давомида айнан сектор ҳудудидаги маҳаллаларнинг 224 нафар ёшлари иш билан таъминланди. Яна уч нафар ёшға имтиёзли кредит ажратилди, беш нафарига томорқасидан самарали фойдаланишға қўмақлашилди. Ўн нафар шахсға 2 гектар ер майдони ажратилди, ўн бир нафар шахснинг тадбиркорлар фаолияти қонуний расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, икки нафар ногирон ёшларға ногиронлик аравачаси берилди, ўттиз саккиз нафар ёшларға эса тиббий ёрдам олиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Етти нафар ёшға фуқаролик паспорти олишларида давлат божи тўлаб берилди, икки нафар ёш ўз турар жойиға доимий рўйхатдан ўтказилди.

Қискаси, Вобкент туманининг учинчи сектори ҳудудида ана шундай кизгин жараён кечмоқда. Энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатларнинг мунтазамлиғи жойлардаги ижтимоий муҳитнинг қун сайин яхшиланиб, турмушнинг фаровонлашишиға кенг йўл очаяпти.

**Мирзонул АХАДОВ,
"Поста" газетаси муҳбири**

Жамиятда шундай инсонлар бўладики, бутун хаётини халк манфаати, унинг фаровонлигига бахшида этади. Ундай инсонларни, Ўзбекистон кахрамони, адабиётшунос олим Озод Шарофидинов "Ундайлар эл фарзандларидир" дея таърифлаган эди. Бугун ҳам орамизда ана шундай камарбаста, фидойи кишилар куплаб топилди.

Улардан бири тажрибали шифокор Иномжон Хайитовдир. Иномжон ака 1957 йили Дангара тумани Чагали кишлоғида таваллуд топди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ билимдонлиги, ўткир зехни билан туман, вилоят, хатто республика миқёсидаги танловлар, фестиваллар, спорт мусобақаларида иштирок этиб, устозлар назарига тушган. Умумтаълим мактабини аъло бахоларга тамомлаган кахрамонимизнинг азалий орзуси — шифокорлик Тошкент тиббиёт институтига етаклади. Мустахкам билим инсонни истаган манзилига етаклайди. Оматни каранги, 1978 йили биринчилардан бўлиб тиббиёт олийгоҳининг стоматология бўлимига ўқишга кирди. Талабалик йилларидаёқ танлаган соҳасига оид илмий мақолалари билан республика ва халқаро матбуотда тез-тез кўрина бошлади, "Саломатлик — туман бойлик" мавзусида халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, юзлаб устозлар нигоҳида маърузалар килди. Тиришқоклиги, гайрати, билимга чанқоклиги-ю, касбга бўлган меҳри билан тенгдошларидан ажралиб турадиган Иномжон ака таникли шифокорлар, профессор-олимлар назарига тушди. Уқишдан кейин марказий клиникаларда тажриба ўтаб, назарий билимларини мустахкамлади. Эл оғизга тушган, кўли энгил нажоткор устозларига чинакамга шогирд тушди. Бир сўз билан айтганда, олий ўқув юртининг энг ташаббускор, фаол ёшларидан бирига айланди. Пойтахтимизда ўтказилган ёшлар ўртасидаги тадбирлар, фестиваллар, тиббиётга оид халқаро

ШИФО УЛАШИБ

конференцияларда у ўзини кўрсата олди. 1984 йили олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаган юртдошимизга устозлари шу даргоҳда қолишини, танлаган соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб боришини таклиф этди. Лекин кишлоқ шароити, шифокорларга эҳтиёжи бор кишлоқдошларига бўлган меҳри уни яна қайтиб Дангара туманига етаклади. Дастлаб туманда шифокор-стоматолог, 1986 йилдан 1994 йилгача туман Соғлиқни сақлаш бўлими мудири ўринбосари вазибаларида ишлади.

1994 йили туман Диагностика бўлими мудири ҳамда **фукаро муҳофазаси** мутахассиси бўлиб фаолият юритди. 2016 йилдан буён кўп тармокли марказий поликлиникасида тиш шифокори бўлиб меҳнат қилиб келмоқда. Жуда камтар, очиккўнгил ва самимий инсон Иномжон Хайитовни нафакат тумандагилари, бутун водий ахли яхши билишади, эъозлашади. Эл саломатлиги йўлида озми-кўпми меҳнат қилиб, тумандагилари юрагидан жой олган. Бир сўз билан айтганда, туманда тиббий хизматни яхшилаш ва ривожлантиришга муносиб улушини кўшиб келади. Фахрланса арзийдиган жихати, туманнинг энг фаол кишиларидан бирига айланган. Бугун юзлаб шогирдларга хақиқий устоз, йўлбошчидир. Юздаги ажинлар, сочдаги оқлар йиллар силсиласи, ибратли умрнинг изларидир. Шоир Мухаммад Юсуф айтганидек, "Хар кимсанинг сочларига оқ тушсин..." Бугун гулгун хаёти, сеvimли касби билан яхшилар ардоғида бўлган Иномжон аканинг оиласи барча учун ибрат бўла олади. Уч фарзанд бугун жамиятимизнинг турли жабхаларида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бахорой ўқитувчи, ўгли Рустамжон Самарканд олий харбий билим юртини тамомлаган. Кенжа фарзанди ўқ-

тамжон Бухородаги харбий қисмда Ватан химоясида. Хуллас, фахрланса арзийдиган зурриётлар. Турмуш ўртоғи Тўйдиган ая билан 6 набиранинг қувончини хис қилиб, фаровон хаёт кечирмоқда. Яхши одам гўёки кўёшга ўхшайди. Чунки, кўёш ҳам ўзини, ҳам борлиқни ёритади. Иномжон аканинг шогирдлари устозини "Яхши устоз" деб чахирадилар. Бундан кўринадики, устоз ўз



издошларига уларнинг қалбига яхшилик уругини сепа олган. Не бахтки, шогирдлари ардоғида. Иномжон Хайитовнинг меҳнатлари Ватанимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бир неча бор Соғлиқни сақлаш тизимининг фахрий ёрликлари, эсдалик совгалари ва "Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Захматқаш шифокор хақида республика матбуотларида катор мақолалар, очерклар эълон қилинган. Барчанинг эътиборидаги замондошимиз Иномжон ака чехрасига боқар эканман, нурли кўзларида хаётга муҳаббат, касбига садоқат, ўз тақдирини розилигини яна бир бор хис этдим. Хар қадами бахтга йўғрилган бу очиккўнгил инсонга хавасим ортди. Ёши улғайган бўлса-да, ҳамон эғнида оқ халат. Истагим мана шу оқ халатига ҳеч қачон доғ тушмасин. Шогирдлар ва фарзандлар қамолини қўриб юришсин.

Сойиб МИРЗО, журналист

ФАРЗАНДИНГИЗ НУТКИ РАВОНМИ?

Кейинги йилларда Ўзбекистонимизда бошқа соҳалар каби логопедия фани ҳам ривожланиб бормоқда. Нутк камчилиги кузатилган болалар учун махсус муассасалар сони кўпаймоқда.

Нутк кишиларнинг тугма қобилияти эмас, у аста-секин эгалландиган алоқа воситаси ҳисобланади. Инсон нутк ёрдамида ўз фикрини, хис-туйғуларини намоён этади ҳамда бошқалар хиссиётларини билиб олади. Болаларнинг нутки маромида бўлиши учун бош мия пўстлоғидаги нутк маркази тўлиқ шаклланиб бўлиши, уларнинг сезги аъзолари — эшитиш, қуриш, таъм билиш, хид билиш, тери сезгиси етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Нутк ривожланиши атроф-мухит билан боғлиқ жараён бўлиб, боланинг янги, аниқ таассуротлар олиши унинг ҳаракатлари ва нутқининг ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Болани жуда ёшлигидан бошлаб атрофдаги нарсаларни танишга, уларнинг овозларини эшитиб, фарқлашга ўргатиб боришимиз зарур, бу билан биз бола нутки ривожланишига ёрдам берган бўламиз.

Бола 1,5-2 ёшга етганда атрофдаги ҳамма нарсага, воқеа-ҳодисаларга қизиқиб, уларнинг номини билгиси келади. Бу даврда бола сўзларни мукамал, тўғри талаффуз эта олмайди. Ота-оналар бола имкони-

ятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ички пассив нутқини ривожлантиришга эътибор қаратишлари лозим. Бунинг учун бола аниқ тақрорлай олмасам ҳам, хар бир нарсам, буюм, ҳаракат номини тўғри (бола тилида эмас) талаффуз этиб бориш тавсия этилади. 3-4 ёшли бола катталар билан бемалол мулоқотга қилишиб, ўз фикрини мустақил баён эта олади. Бирок, аксари болаларда товушлар нотўғри талаффуз этилади, баъзи болаларда эса умуман тўшунарсиз бўлади. Болалар нутқини диққат билан тинглаб, улар нутқини таҳлил қилиб туриб, қайси товушлар талаффузида қийналаётганини билиб олишимиз қийин эмас. 4-5 ёшли болаларнинг кўпчилигида товушлар талаффузи тўғри талаффуз меъёрига яқинлашган бўлади. Бу ёшдаги болаларда, асосан, талаффузи ўхшаш товушларни бир-бири билан алмаштириш, талаффузи мураккаб товушларни ташлаб кетиш, алоҳида талаффуз этилган товушни нутқда тўғри қўллаб олмаслик ҳоллари кузатилади. Масалан, китоб — титоб; коптоқ — топтоқ; калам — алам; шер — сер каби. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун мутахассис логопед тавсияси билан ота-она бола талаффуз аъзолари (артикуляцион аппарат) ҳаракатчанлигини ошириш, фонематик эшитиш, диққатини ривожлантириш учун иш олиб бориши

мумкин. Талаффуз аъзолари ҳаракатчанлигини ошириш учун қуйидаги каби машқлардан фойдаланишни тавсия этиш мумкин:

- лабларни жуфтлаган ҳолда кулгу ҳолатига келтириш, сўнг чўччайтириш;
- тил учини юкори ва пастки лаблар томон буқиш;
- тилни юкори тишлар томон кўтариш ва пастки тишлар томон тушириш;
- тил чиқарилади, оғиз ярим очик ҳолда бўлади, аввал юкори лаб, сўнг пастки лаб айланасига аланади;
- қафт устига қўйилган пахта, коғоз парчаларига пуфлаш. Бола кенг тилни юкори тишлар томон кўтаради ва ушлаб туради. Кучли ҳаво оқимини тил учи томон йўналтиради;
- оғиз очилади, тил учи аввал секин, сўнг тез темпта танглайга урилиб, от юришига таклид қилинади.

Бола нутқининг ривожланиши қўл майда мускуллари ҳаракатчанлиги (бармоқ учлари ҳаракатчанлиги) билан боғлиқлиги бир қанча олимлар изланишларида исботланган. Логопедик ишнинг асосида ҳам қўл майда мускуллари ҳаракатчанлигини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг учун нўхат ва ловия, мош ва гречка қабиларни аралаштириб бериб, боладан ажратиш сўралади. Бундай машғулотларни олиб боришда боланинг имкониятларини инобатга олиш керак. Уларни зериктириб қўймастик

учун пластилидан ва лойдан турли буюмлар ясаш, "Лего" ўйинидан унумли фойдаланиш, санок чўпларидан намунага қараб шакллар ясашни кетма-кетликда бажаришга ўргатамиз. Бундан ташқари кистиригичлар ёрдамида, копоқчалар билан, иплар боғлаш (шнуровка) каби ўйинларни аниқ режа асосида қўллаш мумкин. Бу жараёнларни бевосита логопед ёки она кузатиб, уларнинг ҳаракатларини баҳолаб бориши лозим.

Азиз ота-оналар! Нутк ривожланиши билиш жараёнларининг ривожини билан чамбарчас боғлиқлигини унутманг! Мактаб ёшига етган фарзандингиз товушларни нотўғри талаффуз қилса, ёзувда харфларни тесқари ёзса (ойнаванд ёзув), қўшиб ўқишга қийналса, бу фанларни ўзлаштиришига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, 4 ёшга тўлган фарзандингиз нутқиди камчилик сезилса, албатта, логопед мутахассис қуригига олиб бориш.

Уз вақтида аниқланган нуқсон тезда бартараф этилади. Хар қандай нутк камчилиги учун алоҳида логопедик ёндашувлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу логопедлар томонидан аниқ режа асосида иш олиб боришга замин яратади. Фарзандлар келажиги учун биз — катталар бирдек масъулмиз!

✉ еруза001. Д.ЦЕВА, О'ангарон шах; ар 7-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб логопеди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Аҳоли хонадонларида иситиш тизими ва ёқилгич маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 901-сонли қарори куз-киш мавсуми давомида фуқароларнинг ис газидан захарланиш ҳолатининг олдини олиш ва ушбу йўналишда керакли чора-тадбирларни кўриш лозимлигини аналатади.

Қарор талаблари ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси

Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари ва қорхона, ташкилотларнинг куз-киш мавсумига тайёргарлик ҳолати, чакнаш, ис газидан захарланиш, табиий газдан тўғри фойдаланиш ҳолатини текшириш мақсадида шахар ва туманларда жами 60 та ишчи гуруҳ шакллантирилиб, уларда 515 нафар ходим жамланди. Ушбу гуруҳларга тааллуқли идоралар ходимлари жалб этилди.

Ўтказилаётган текширув ва ўрганишлар жараёнида асосий эътибор аҳоли турар жойларидаги ис газ мосламаларининг созлиги, табиий газдан тўғри фойдаланиш ва улар-

ХУШЁРЛИК ЗАРУР

даги хавфсизлик автоматикалари, иситиш қувурлари, ис газ ускуналарининг созлиги ҳамда ёнгинга қарши белгиланган чора-тадбирлар бажарилишига қаратилмоқда.

Амалга оширилган тарғибот ишларига қарамадан фуқароларимиз томонидан ис газидан захарланиш ҳолати учрамоқда. Вилоят ҳудудида 2018 йил давомида ис газидан боғлиқ 11 та ҳолат қайд этилиб, унда 28 нафар фуқаро тан жароҳати олиб, 2 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Куз-киш мавсумида кўп қаватли уйларда хоналарни иситиш мақсадида фуқаролар томонидан ошхонадаги ис плитасининг духовқасини ёқиб қўйиш ва бунинг натижасида захарланиш ҳолатлари учрамоқда.

Бу каби аянчли ҳолатларнинг олдини олишда хар бир юртдошимиздан ис газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилишни тавсия этган бўлардик.

Подполковник М.ОСТОНОВ, Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари

"кичик мяча"нинг КАТТА КОБИЛЯТИ

Билсангиз, инсон миясининг шакли ва тузилиши ёнгок магзига жуда ўхшаш. Шу сабабли *ам кичик мяча дея тилга олганимиз бу мўъжазгина ёнгоқдир.

Хозирги кунда *ам баъзи Якин Шарк мамлакатларида ёнгок "мия" деб аталар экан. Қадимда *ам инсонлар ёнгокнинг хусусиятларини ўрганиб чиқишган. Қадимги юнон тарихчиси Геродот "ёнгок инсон хотирасини кучайтиришга катта ёрдам беради" дея таъкидлагани келтириб ўтилган.

Ушбу кичик мячанинг яна биз билган ва билмаган фойдали томонлари мавжуддир. Булардан, унинг таркибида Е, В¹ В₂ витаминлари, каротин, ошловчи моддалар, хинонлар ва эфир мойлари, бириктирувчи тўқималар, темир ва кобалт тузлари *ам рух моддалари мавжуд. Шунингдек, ёнгоклар - фолий кислотаси ва калцийнинг манбаи *исобланади.

Хар бир киши кунига 2 дона

ёнгок истеъмол килса, хотираси кучаяди ва яхшиланади. Кунига истеъмол килинган 4 та ёнгок эса, организмни антиоксидантлар билан кувватлантиради, иммунитетни ва *ужайралар *имоясини яхшилади. Яна ёнгокларнинг ўзига хос таъми олма ва нок, лавлаги ва сабзи, селдерей ва баклажон, шунингдек, асал, петрушка, товук гўшти билан *ам ажойиб таъм уйғунлигини пайдо қилади. Шу ўринда яна бир маълумот, Шарк ва Болкон мамлакатларида *али пишиб етилмаган ёнгоқдан ажойиб ва мазали мураббо тайёрлашади.

Хар ишда мижоз *исобга олиниши ва меъёр бўлгани яхши деганларидек, ёнгок аллергия чакириши, эшак еми ва квинке шишини келтириб чиқариши мумкин.

**Азиза ВЎРИЕВА,
Шайхонтохур туманидаги
82-мактаб ўқувчиси**

БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Тараккиётнинг барча босқичларида инсон калбини кичикликдан бошлаб, яхшилик, олийжаноблик, инсонпарварлик, одамгарчилик, ақлидрокли бўлиш, одоб-ахлоқчилик, ме*натсеварлик, *алоллик, поклик, илмли бўлиш каби хислатлар билан бойитиш инсон камолотининг меъёри бўлиб келган. Давлатимиз ра*барининг ташаббуси билан бу со*ада янги тизим яратилди. Ушбу тизим олдига мактабгача таълим со*асида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш *амда моддий-техник базасини муста*камлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни камраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни *ар томонлама интеллектуал, жисмонан ривожланган *олда мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари кўйилди.

Мактабгача ёшдаги бола билан таълим-тарбия канчалик эрта бошланса, самараси шунчалик барвақт намоён бўлади ва боланинг бутун *аётига ижобий таъсир қилади. Шундай экан, болалар тафаккурини ривожлантириш асосий вазифаларимиздан биридир.

Муассасамиз "Илк кадам" Давлат дастурлари асосида тарбияланувчилар мактаб таълимига сифатли тайёрлаб борилмоқда. Мазкур жараёнда болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шароитлар яратиш, таълим-тарбия ишларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этишга эътибор қаратдик. Жумладан, замонавий педагогик услублар, интерактив ўйинлар асосида инглиз ва рус тиллари, мусика, бадий гимнастика, шахмат-шашка тўғрақ машгулотларини йўлга қўйдик. Машгулотлар болаларнинг ёшига мос мавзу ва усуллар асосида нутқ маданиятини, эркин фикрлаш қобилиятини ўстириш, жисмонан чиниктириш тарзида олиб борилмоқда.

Муассасамизда кўп йиллик тажрибага эга устозлар *ам етарли. Уларнинг бой тажрибаларига таяниб, устоз-шогирд аънанасини йўлга қўйганмиз. Ёш ходимлар - Гулноза Рўзиева, Сарвиноз Музаффарова, Наргиза Хошимоваларга айнан ана шундай малакали тарбиячиларимиз Раъно Астанова ва Манзура Мавлоновалар ўз билим ва кўникмаларини бажонидил ўргатиб, бор ме*рларини бериб келишмоқда.

Мусика дарсларимизда эса турли миллат ва халқларнинг кўшиқ *амда рақсларини ўргатиш асносида уларда бошқа миллат ва халқлар *аётига кизиқиш *иссини пайдо қилиш байналминалчилик, яъни халқлар дўстлиги *исларини тарбиялаш мақсади ётади. Махсус машгулотларда уларнинг урф-одатлари, маданияти, санъати, табиати тўғрисидаги адабиётларни ўқиб бериш, су*бат ўтказиш, расмлар кўрсатиш, мавзу йўналишида роликлар намойиш этиш, бошқа миллат болалари *аёти тўғрисида *икоялар ўқиб бериш йўлга қўйилган.

Мактабгача ёшдаги бола *ар томонлама ривожлана олса, кейинчалик ютуқларга эришиш осон бўлади. Бизга берилган ишончни оқлаб, болаларни келажакда *ар томонлама билимли, сало*иятли ва комил инсон бўлиб етиштиришларида ўз *иссамизни қушишга *аракат қиламиз.

**Гулсара САЛИМОВА,
Когон шаҳар 11-сонли МТМ мудираси**

ЭНГ БАХТЛИ ДАМ

Хозир ўтириб эслаб,
Чуқур бир ўйга толдим.
Уша бахтли он *ақида,
Шеър ёзсамми деб, колдим.
Бир кун мактабимизда,
Бўлди ажиб семинар.
Шоир Икбол Назарнинг,
Пок ру*идан, сочдик зар.
Тайёрладик кизиқиб,
Тўлгунча сабр коса.
Шеър ёдладик, ухламай,
Нақд уч кун, роппа-роса.
Ана келди ўша кун,
Келди синглиси, кизи.
Улар шоир умридан,
Дарак берувчи изи.
О* бу шеърлар маъноси,
Хаттоки тотли бўлди.
Эссиз мушоира *ам,
Туғаб колди, сал олдин.
Кулок сол Азимова,
Эътиборни бергин дер.
Бир киз, Икбол Назарга,
Ёзиб келган, эмиш шеър.
Мен *ам куюк таъзимни,
Килдим боришимдаёк.
Лек бошланди карсақлар,
Салом беришимдаёк.
Шеър айтмаяпман лекин,
Хаяжонда вужудим.
Етмайди сарф килсам *ам,
Кўркувимга, бор кучим.
Шу *аяжоним сабаб,
Тутилдим кўп жойларда.
Айникса, ўша маш*ур,
Ўн икки бурж, ойларда.
Тугатдим ва ни*оят,
Ўз Икбол Назаримни.
Оз бўлса *ам, сочдимку,



Ёшлар овози

Унга сўзли заримни.
Ана, куринг томоша,
Кўмилдим совгага кўп,
Шеърим маъноси *акда,
Яхши гап, айтишди *уғ.
Ана кўринг *аяжон,
О* бу қандайн бахт.
Кани энди шу жойда,
Тўхтаб колса, эди вақт.
Шундай қилиб бир шеърим,
Мени килди-я маш*ур.
Энди айтмогим колди,
Яратганга, минг шуқур.

ТОШКЕНТ

Тошкентим - онам,
Сенсан яғонам.
Хумо бошингда,
Бахт куёшингда.
Оксаройда, мудом
Байрогинг *илпирагай.
Пойдевори мармардан,
Бу толеинг кулгайдир.
Баланд-баланд бинолар,
Тараккиёт меваси.
Биз сенинг дилбандларинг,
Келажакнинг эгаси.

Волида МАМАЖОНОВА

ОНА ЮРТИМ

Она юртим фаровон,
Багри гулларга макон.
Олам ичра топилмас,
Ўзбекистондек ошён.
Биз яшаймиз қувониб,
Халким, ме*рингга қониб.
Кучга тўлғаймиз порлок,
Келажакка ишониб.
Илм олиб, ўқиб аъло,
Улғайиб, бўлиб доно.
Ватан, сен деб яшаймиз,
Бизга ишон доимо!



ПОСБОНЛАР

Ватанимнинг таянчидир,
Ўзбекистон посбонлари.
Номуси, *ам ишончидир,
Ўзбекистон посбонлари.
Шижоатдан алёр айтиб,
Уриб турар юрагингиз.
Сиз енгилмас, метин калкон,
Кучга тўлган билагингиз.
Сизлар каби ёвқурларга,
Биз, албатта, ишонамиз.

Садоқатли авлод бўлиб,
Элнинг дардида ёнамиз.

**Жасмина РАХМОНВЕРДИЕВА, Зангиота туманидаги
20-умумтаълим мактаби ўқувчиси**

ОНАМ

Го*о ме*натдан толган,
Ташвишин ичга солган,
Бир йилгаб, бир кулолган,
Онам... онам...
Ного* кўз ёш тўқилар,
Орзулари буқилар,
Фарзандга умр тилар,
Онам... онам...
Биз билан багри тўлган,
Сочларига ок кўнган,
Бугун армони сўнган,
Онам... онам...
Отамни давлатим дер,
Ўгиллар - савлатим дер,
Му*аммад - умматим дер,
Онам... онам...
Бахтимга омон бўлинг,
Бизлар бор, шодон юринг,
Хамиша бирга туринг,
Онам... онам...

Асли у, йўгим -
борим.
Беради мудом
билим,
Келажаким
чирोगи.
У билан порлок
йўлим,
Маърифатимнинг
боги.



БАЪЗИЛАР

Баъзилар бор, *аттоқи,
Жигардек бўлолмайдим.
Баъзида чин жигаринг,
Мурувват қилолмайдим.
Беш қўл эмас баробар,
Шудир *аёт қонуни.
Халол яша, биродар,
Уша бахтнинг омили.
Баъзиларга ишониб,
Ме*натлардан қочмагин.
Текин лўкма буюрмас,
Хар кимга қафт очмагин.

КИТОБИМ

Китоб - менинг дўстимдир,
Йўлимдаги *амкорим.
Мен дўстимни севаман,

Азизбек МАХМУДОВ

<p>УАЙИЯТ</p> <p>Муассис: Ўзбекистон Республикаси Оавқулудда вазиятлар вазирлиги</p>	<p>Бош му*аррир Дилшод РАЖАБОВ</p> <p>Газета та*ририят компьютерхонасида са*ифаланди.</p> <p>Газета *ар *афтанинг пайшанба кун чикади. Топшириш вақти - 15:00. Топширилди - 15:00.</p>	<p>Навбатчи А.СУЮНОВ</p> <p>Та*ририятга юборилган материаллар қайтарилмайди ва изо* берилмайди. Муаллифлар фикри та*ририят нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.</p> <p>Газетадан олинган * материаллар манбаси кўрлатилиши шарт.</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот *гентли*ид 2007 йи^н 3 янв^рда 0096-Рақам билан руйхатга олинган. ISSN 2091-5292 Бичими: А3, *ажми: 2,0 Б.т</p> <p>Та*ририят манзили: 10,0084- Тошк^нт шаҳри, Қи, ЧИҚО *алқа, итл.: 4,4 А Ж.Тел.: 235'58-49. (97) 430-28'4 А</p>	<p>Индекс: якка обуначилар ва ташкilotлар учун - 382</p> <p>Газета "BUSINESS PRINT PLUS" МЧЖ босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент ша*ри, Сўгалли ота кучаси, 5-уй.</p> <p>Б*юртмэ Бичими А3, *ажми: 2,0 Б.т Адади - 3550 нусха</p>
--	---	--	--	--